ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 1.04.04-24 «ҚУРИЛИШДА БУЮМЛАР, УСКУНАЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАРДАН ТАКРОРИЙ ФОЙДАЛАНИШ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 325]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 23 апрелдаги 231-сон «Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 1.04.04-24 «Қурилишда буюмлар, ускуналар ва материаллардан такрорий фойдаланиш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2021 йил 28 апрелдаги 97-сон буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 1.04.04-20 «Қурилишда буюмлар, ускуналар ва материаллардан такрорий фойдаланиш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 14 декабрь,
01/2-84-сон
Келишилди:

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Директорнинг биринчи ўринбосари А. АБДУКАЮМОВ

2024 йил 30 октябрь

«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи Б. БОБОКУЛОВ

2024 йил 25 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш
ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирининг 2024 йил 14 декабрдаги
01/2-84-сон буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 1.04.04-24 «Қурилишда буюмлар, ускуналар ва материаллардан такрорий фойдаланиш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) бино ва иншоотларни қайта қуриш, мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва бузишда уларнинг конструкцияларини қисмларга ажратишдан ҳамда муҳандислик ускуналарини демонтаж қилишдан ҳосил бўладиган буюмлар, ускуналар ва материаллардан (бундан буён матнда материаллар ва буюмлар деб юритилади) такрорий фойдаланишга оид талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚнинг талаблари корхоналарнинг технологик ускуналаридан такроран фойдаланишга нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 1.04.01-23 «Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш ва мониторинг қилиш тартиби»;

ШНҚ 1.04.03-23 «Бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш».

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ШНҚда қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилган:

демонтаж — бино ёки иншоотларни конструкциялари, элементлари ёки бўғинларини яхлитлигини бузмасдан, уларни кейинчалик фойдаланиш имконияти билан қисмларга ажратиш ёки қисмларга ажратиб бузиш;

мукаммал таъмирлаш — бинонинг ишончлилигини ва унда қулай шароитларни таъминлашга қаратилган фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаган ҳолда қайта тиклаш бўйича қурилиш-таъмирлаш ишлари мажмуи;

такрорий фойдаланиш — бино ва иншоотларни мукаммал таъмирлашда, қайта қуришда ва бузишда, қурилиш конструкцияларини қисмларга ажратишда, шунингдек муҳандислик тармоқларни бузишдан чиққан материаллар ва буюмлардан уларни қайта ишлаш ва тиклашдан сўнг қурилиш (таъмирлаш) объектларида фойдаланиш, аҳолига тарқатишни ёки иккиламчи ашё сифатида ишлатиш;

утилизация — материалларни иккиламчи хом ашё сифатида янги технологик жараёнга жалб қилиш.

3-боб. Умумий қоидалар

3. Бино ёки иншоотнинг техник ҳолати кўрикдан ўтказилгандан кейин қурилиш (таъмирлаш) объектларида материаллар ва буюмлардан такрорий фойдаланишга йўл қўйилади.

4. Қурилиш (таъмирлаш) объектларида материаллар ва буюмларни утилизация қилиш қайта ишлашга яроқли материалларнинг миқдори, уларни таъмирлаш ва қайта тиклашнинг харажатларини техник-иқтисодий ҳисоблаш орқали амалга оширилиши зарур.

4-боб. Такрорий фойдаланишга яроқли бўлган материаллар ва буюмларнинг ҳажмини аниқлаш

5. Такрорий фойдаланишга яроқли бўлган материаллар ва буюмларнинг ҳажми хар бир бино ва иншоот ҳолатидан келиб чиққан ҳолда муҳандислик текширувлари ва техник

кўрикдан ўтказиш маълумотлари асосида, шунингдек қурилиш бошланишидан олдин ҳамда қурилиш жараёнида аниқланиши керак.

6. Бино ва иншоотларни бузиш ва демонтаж қилишда ҳосил бўладиган материаллар ва буюмларнинг умумий ҳажмида қуйидагилар аниқланиши лозим:

уларнинг маълум бир бино ва иншоотда такрорий фойдаланилиши;

бошқа бино ва иншоотларда такрорий фойдаланиш учун вақтинча сақлашга олиб кетилиши;

иккиламчи хом ашё сифатида утилизация қилиниши;

қурилиш чиқиндиларининг улуши.

7. Такрорий фойдаланиладиган материаллар ва буюмларни саралаш ишларини бажариш технологияси ташкилий-технологик ҳужжатларга (ишларни бажариш лойиҳаси, технологик хариталар) мувофиқ амалга оширилиши зарур.

5-боб. Материаллар ва буюмларнинг ҳисоби ва уларни сақлаш

8. Такрорий фойдаланиладиган материаллар ва буюмларнинг сақланиши, фойдаланишга тайёрланиши ва қўлланилиши қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

бино ва иншоотдаги муҳандислик изланишларни (техникавий текширишларни);

бино ва иншоотда ишларнинг бажарилишини;

материаллар ва буюмларнинг ташилиши ва сақланишини;

материаллар ва буюмларни яроқли ҳолатга келтирилишини.

9. Ускуналарни кўчиришда ва конструкцияларни қисмларга ажратишда такрорий фойдаланишга яроқли бўлган ўрнатилган жиҳозлар, паркетлар, эшик ва деразаларнинг табақалари, муҳандислик ускуналари тизимларининг назорат ўлчагич асбоблари (сув ўлчагичлар, газ ва электр ҳисоблагичлар, автоматик ёнғин сигнализациясининг датчиклари) кўриқлаш тизими, муҳандислик ускуналар тизимларининг элементлари (газ ва электр плиталари, газ сув иситгичлари сақлагичлари ва узгичлари билан бирга, тақсимлагич шчитлари, кабель қутилари, коммутаторлар), меъморий-бадиий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган безак ва сувоқ элементлари, шунингдек сирланган темир ҳамда рангли металлардан тайёрланган буюмлар, ёпқич ва ростлагич арматуралар биринчи навбатда демонтаж қилиниши ҳамда бино ва иншоот омборхонасида сақланиши лозим.

10. Таъмирлаш-қуришда такрорий фойдаланишга яроқли материаллар ва буюмларнинг сақланиши, янги материаллар ва буюмларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳамда сақлаш қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

6-боб. Буюмлар ва материалларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш

11. Бино ва иншоотнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган такроран фойдаланиладиган материаллар ва буюмлар янги қурилиш материаллари ва буюмлари каби тегишлилигига кўра техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолатга келтирилиши керак.

12. Газ ва электр жиҳозлари, диспетчерлик, телефон, радио эшиттириш ва телевизион тармоқлари тизимларининг ускуналари яроқли ҳолатга келтирилиши лозим.

13. Конструкцияларни қисмларга ажратиш ва ускуналарни демонтаж қилишдан ҳосил бўлган бирламчи чиққан материаллар ва буюмларнинг тавсифлари, уларни тиклаш ёки қайта ишлаш бўйича ишларнинг асосий турлари ҳамда улардан такрорий фойдаланиш мумкин бўлган жойлар мазкур ШНҚнинг иловаси бўйича қабул қилиниши керак.

14. Уй қўзиқоринлари ва кемирувчи қўнғизлар шикастлаган ҳамда махсус майдончаларда ёқилиши лозим бўлган ёғочдан, шунингдек қурилишда фойдаланилиши тақиқланган ёки юқори радиофаолликка эга бўлган материаллар ва буюмлардан такрорий фойдаланишга йўл қўйилмайди.

15. Юк кўтарувчи қурилиш конструкцияларида қисмларга ажратиш ишлари амалга оширилганда қисмларга ажратишдан сўнг такрорий фойдаланиладиган қурилмалар ва материаллар қўшимча кўрикдан ўтказилиши лозим.

16. Қурилишда такрорий фойдаланадиган қурилиш материалларининг сифати ва хавфсизлиги амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бўлиши лозим.

17. Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш, бино ва иншоотлар элементларини техник кўрикдан ўтказиш ва қурилиш материалларининг ҳолатини ўрганиш ШНҚ 1.04.01-23 га мувофиқ амалга оширилиши лозим.

18. Қурилиш ишларини ташкил этиш ҳамда бино ва иншоотларни бузиш ШНҚ 1.04.03-23 га мувофиқ амалга оширилиши лозим.

ШНҚ 1.04.04-24 «Қурилишда буюмлар, ускуналар ва материаллардан такрорий фойдаланиш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
ИЛОВА

Материаллар ва буюмларнинг тавсифлари, уларни тиклаш ёки қайта ишлаш бўйича ишларнинг асосий турлари ҳамда улардан такрорий фойдаланиш мумкин бўлган жойлар

Т/р	Қисмларга ажралувчи конструкциялар, кўчирилувчи ускуналар, қисмларга ажратиш ва кўчириш бўйича иш турлари	Қисмларга ажратиш ва кўчиришдан бирламчи чиққан материаллар ва буюмлар, уларнинг тавсифи	Таъмирлаш — тиклаш ишларининг турлари	Ҳосил қилинувчи материаллар ва буюмлар	Қўлланилиш жойлари
1	2	3	4	5	6
I. Ёпма қопламалар ва фасадлар ораёпмалари					
1.	Пўлат листлардан ёпма қоплама, алоҳида қисмлар, шаклдор қисмларни ажратиш	Қайиштирилган листлар, четки қирралари қайрилмаган ёпма пўлат манзаралар, листли ёпма пўлатдан буюмлар (тарновлар, воронкалар, карнизлар, осмалар, ариқлар) кляммерлар, илгаклар, таянчлар	Суваш, қайишган майдонларни алмаштириш майда нуқсонларни суваш, эски бўёқ ва зангдан тозалаш, фальцларни тўғрилаш, маҳкамлаш ёки кесиш, тур ўлчамлар бўйича бичиш, силлиқлаш	Ораёпма пўлати Металл чиқиндилар	Бино ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришда, шунингдек ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли вақтинчалик бино ва иншоотлар қуришда Утилизация қилиш
2.	Тўлқинсимон асбест-цемент листлардан ёпма қоплама	Бутун ва майдаланган асбест-цемент листлар, асбест-цемент листларнинг синиқлари	Тозалаш, тур ўлчамлар бўйича бичиш керакли ўлчамларгача майдалаш, саралаш ва тозалаш	Асбест-цемент листлар Асбест-цемент шағал	Асбест-цемент ораёпмаларни таъмирлашга, ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли вақтинчалик бино ва иншоотларни қуришда том ёпиш
3.	Тўсувчи металл панжара	Металл қайишган панжаранинг ҳалқалари	Тузатиш, етишмайдиган қисмларни ўрнатиш, заифларини маҳкамлаш ва қайишган майдонларни	Металл панжара ҳалқаси	Бевосита қўлланилишига кўра парапетлар, балконлар ва лоджияларнинг зина ёнларини қуришда, бино ва иншоотларни

			алмаштириш, эски бўёқ ва зангдан тозалаш, тур ўлчамлар бўйича бичиш, силлиқлаш		таъмирлашда қайта қуришда ҳудудларни ободонлаштиришда деворлар, манзарали тўсиқлар қуришда
				Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш
4.	Дренаж қувурлари	Қувурларнинг қайишган қисмлари	Қайишган қисмларни тузатиш, майда нуқсонларни тузатиш, тозалаш	Дренаж қувурлари қисмлари	Бевосита қўлланилишига кўра
				Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш
5.	Профнастилдан ёпма қоплама	Қайишган, занглаган листлар	Тузатиш, майда нуқсонларни текислаш, зангни йўқотиш, тур ўлчамлар бўйича бичиш, лозим бўлганда суваш	Профнастил листлари	Бевосита қўлланилишига кўра, томни таъмирлашда вақтинчалик иншоотлар қопламаси
				Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш
6.	Битум черепицалар	Бутун ва майдаланган битум черепицалар, битум черепицаларнинг бўлаклари	Чиқиндидан тозалаш, кичик фракцияларгача майдалаш, гранулаларга ажратиш	Битум гранулалари	Асфальт йўл қопламаларида иккиламчи битум сифатида фойдаланиш Том ёпма ишларида гидроизоляция маҳсулоти сифатида фойдаланиш
II. Томларнинг кўтариш элементлари					
7.	Осма ёғоч тўсинлар ҳолида айрим элементларни чиқариб олиш орқали бузилувчи тўсин тизим	Михли ва бошқа маҳкамлаш қисмли тўсин тизим элементлари (тўсин оёқлари, устунлар, тиргаклар, ходалар)	Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини суғуриб чиқариш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, ўлчамлари бўйича саралаш, зарарсизлантириш	Ходa ёки тўсинлар	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларнинг томларини, тўшамаларини таъмирлаш учун, узун ва майда дона элементларни, синчлар ва шчит конструкцияларни, ўрнатилган жиҳозларни, опалубкаларни, шунингдек ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли вақтинчалик бино ва иншоотларни қуришда
			Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини суғуриб чиқариб олиш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш	Технологик пайраҳа қириндилар	Арболит, фибролит, қипиқ-бетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш

8.	Йиғма темир-бетон стропиллар, айрим элементларини эркин чиқариб олиш билан ажратиладиган қоплама тахталар	Тўсинларнинг темир-бетон элементлари, қоплама тахталари	Сиртларини тозалаш, шикастларни суваш, ўрнатма қисмларни тиклаш, йиғиш мосламаларини ўрнатиш	Томнинг йиғма темир-бетон кўтариш элементлари (тўсинлар, ёпиш плиталари)	Бевосита қўлланилишига кўра ёрдамчи бино ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришда, вақтинчалик бино ва иншоотлар ҳамда йўл қопламаларини қуришда
			Майдалаш, ўзакни ва ўрнатма қисмларни чиқариб олиш, бетонни ювиш ва уни фракцияларга саралаш	Бетон шағал ва турлича фракцияли қум Металл чиқиндилар	Бетон учун тўлдиргичлар Бетон ва асфальт учун тўшамалар Утилизация қилиш
9.	Бузиб олиш болғалари ёрдамида бузилувчи қуйма яхлит темир-бетон конструкциялар	Бетон синиқлари, қайишган ўзак	Бетонни майдалаш, ўзак ва ўрнатма қисмларни чиқариб олиш, бетонни ювиш ва фракциялар бўйича саралаш	Бетон шағал ва турлича фракциялардаги қум Металл чиқиндилар	Бетон учун тўлдиргичлар, бетон ва асфальт учун тўшамалар Утилизация
III. Ораёпмалар					
10.	Ёғоч тўсинлар устига уланмай қўйилувчи, айрим элементларни чиқариб олиш орқали осон бузиладиган ораёпмалар	Бўлакланувчи тўсин ходалар (чоракли танланувчи ходалар), михли тахталар	Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини суғуриб чиқариш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, ўлчамлари бўйича саралаш, зарарсизлантириш	Тўсинлар (ходалар)	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларнинг томларини, тўшамаларини таъмирлаш учун, узун ва майда дона элементларни, синчлар ва шчит конструкцияларни, ўрнатилган жиҳозларни, опалубкаларни, шунингдек ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли вақтинчалик бино ва иншоотларни қуришда
			Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини суғуриб чиқариш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, ўлчамлари бўйича саралаш, зарарсизлантириш	Тахталар Технологик пайраҳа, қиринди, қипиқ	Арболит, фибролит, қипиқбетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш Ўтин

11.	Ёғоч тўсинлар устига уланмай қўйилувчи, тагига шчитлар қўйилган айрим элементларни чиқариб олиш орқали осон бузиладиган ораёпмалар	Бўлакланувчи тўсин ходалар (чоракли танланувчи ходалар), михли шифтлар ва бошқа маҳкамлаш қисмлари	Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини, суғуриб чиқариш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, ўлчамлари бўйича саралаш, зарарсизлантириш	Тўсинлар (ходалар)	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларнинг томларини, тўшамаларини таъмирлаш учун, узун ва майда дона элементларни, синчлар ва шчит конструкцияларни, ўрнатилган жиҳозларни, опалубкаларни, шунингдек ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли вақтинчалик бино ва иншоотларни қуришда
			Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини суғуриб чиқариб олиш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, механик ускуналарда майдалаш	Таглик шчитлар пайраҳа Технологик қиринди, қипиқ	Арболит, фибролит, қипиқбетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш Ўтин
12.	Ёғоч тўсинлар устига уланмай қўйилувчи, тўсин четида таглик қўйилган айрим элементларни чиқариб олиш орқали осон бузиладиган ораёпмалар	Бўлакланувчи тўсин ходалар (чоракли танланувчи, михли тўсин чети)	Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини, суғуриб чиқариш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, ўлчамлари бўйича саралаш, зарарсизлантириш	Тўсин (хода)	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларнинг томларини, тўшамаларини таъмирлаш учун, узун ва майда дона элементларни, синчлар ва шчит конструкцияларни, ўрнатилган жиҳозларни, опалубкаларни, шунингдек ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли вақтинчалик бино ва иншоотларни қуришда
			Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини суғуриб чиқариб олиш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, механик ускуналарда майдалаш	Тўсин чети Технологик қиринди, қипиқ	Арболит, фибролит, қипиқбетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш Ўтин
13.	Чордоқ ёпманинг ёйма тўшамаси	Михли тўшама элементлари	Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини, суғуриб чиқариш нуқсонли	Тахталар пайраҳа	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларнинг томларини, тўшамаларини таъмирлаш учун, узун ва

			майдонларни йўқотиш, тозалаш, ўлчамлари бўйича саралаш, зарарсизлантириш		майда дона элементларни, синчлар ва шчит конструкцияларни, ўрнатилган жиҳозларни, опалубкаларни, шунингдек ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли вақтинчалик бино ва иншоотларни қуришда
			Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини суғуриб чиқариб олиш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, механик ускуналарда майдалаш	Технологик қиринди, қипиқ	Арболит, фибролит, қипиқбетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш
14.	Тахтали сувалмаган шифт	Михли, ёрилган тахталар	Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини, суғуриб чиқариш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, ўлчамлари бўйича саралаш, зарарсизлантириш	Тахталар пайраҳа	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларнинг томларини, тўшамаларини таъмирлаш учун, узун ва майда дона элементларни, синчлар ва шчит конструкцияларни, ўрнатилган жиҳозларни, опалубкаларни, шунингдек ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли вақтинчалик бино ва иншоотларни қуришда
			Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини суғуриб чиқариб олиш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, механик ускуналарда майдалаш	Технологик қиринди, қипиқ	Арболит, фибролит, қипиқбетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш
15.	Тахтали сувалган шифт	Михли ва сувоқ қолдиқли ёрилган тахталар	Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини, суғуриб чиқариш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, ўлчамлари бўйича саралаш, зарарсизлантириш	Тахталар пайраҳа	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларнинг томларини, тўшамаларини таъмирлаш учун, узун ва майда дона элементларни, синчлар ва шчит конструкцияларни, ўрнатилган жиҳозларни, опалубкаларни, шунингдек ёрдамчи, омборхона ва

					бошқа бир қаватли вақтинчалик бино ва иншоотларни қуришда
			Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини суғуриб чиқариб олиш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, механик ускуналарда майдалаш	Технологик қиринди, қипиқ	Арболит, фибролит, қипиқбетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш
16.	Айрим элементларни олиб ташлаш билан эркин бузиладиган, ёғоч ходаларга чоксиз қўйилувчи қаватлараро ёпма	Бетон синиқлари, қайишган ўзак	Тузатиш: майда нуқсонларни текислаш, зангни йўқотиш, тур ўлчамлар бўйича бичиш, лозим бўлганда суваш	Тўсинлар (ходалар)	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларнинг томларини, тўшамаларини таъмирлаш учун, узун ва майда дона элементларни, синчлар ва шчит конструкцияларни, ўрнатилган жиҳозларни, опалубкаларни, шунингдек ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли вақтинчалик бино ва иншоотларни қуришда
				Тахталар	Арболит, фибролит, қипиқбетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш
				Технологик пайраҳа, қиринди, қипиқ	Ўтин
17.	Айрим элементларни олиб ташлаш билан эркин бузиладиган, ёғоч ходаларга чоксиз қўйилувчи қаватлараро ёпма	Бўлакланувчи тўсин ходалар (чоракли танланувчи ходалар), михли тахталар	Тузатиш: майда нуқсонларни текислаш, зангни йўқотиш, турўлчамлар бўйича бичиш, лозим бўлганда суваш	Тўсинлар (ходалар)	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларнинг томларини, тўшамаларини таъмирлаш учун, узун ва майда дона элементларни, синчлар ва шчит конструкцияларни, ўрнатилган жиҳозларни, опалубкаларни, шунингдек ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли вақтинчалик бино ва иншоотларни қуришда
				Таглик шчитлар	Арболит, фибролит, қипиқбетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш
				Технологик пайраҳа, қиринди, қипиқ	Ўтин

18.	Айрим элементларни олиб ташлаш билан эркин бузиладиган, ёғоч ходаларга чоксиз қўйилувчи қаватлараро ёпма	Бўлакланувчи тўсин ходалар (чоракли танланувчи ходалар), михли шифтлар ва бошқа маҳкамлаш қисмлари	Тузатиш: майда нуқсонларни текислаш, зангни йўқотиш, турўлчамлар бўйича бичиш, лозим бўлганда суваш	Тўсинлар (ходалар)	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларнинг томларини, тўшамаларини таъмирлаш учун, узун ва майда дона элементларни, синчлар ва шчит конструкцияларни, ўрнатилган жиҳозларни, опалубкаларни, шунингдек ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли вақтинчалик бино ва иншоотларни қуришда
				Тўсин чети	Арболит, фибролит, қипиқбетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш
				Технологик пайраҳа, қиринди, қипиқ	Ўтин
19.	Тошқол, қум, керамзитлардан тўкмалар	Қурилиш чиқиндили тўкма материали	Чиқиндидан тозалаш, ювиш таркибларга саралаш, қуритиш	Тўкма материаллар	Бевосита қўлланилишига кўра
20.	Элементларни эркин чиқариш билан тарқатилувчи йиғма темир-бетон ораёпмалар	Темир-бетон панеллар, тахталар, тўсинлар, қистирмаларни	Сиртларни тозалаш, шикастларни суваш, ўрнатма қисмларни тиклаш, йиғиш мосламаларини ўрнатиш	Ораёпманинг йиғма темир-бетон кўтарувчи элементлари	Бевосита қўлланилишига кўра ёрдамчи бино ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришда, вақтинчалик бино ва иншоотлар қуришда Йўл қопламаларини қуришда
			Майдалаш, ўзакни ва ўрнатма қисмларни чиқариб олиш, бетонни ювиш ва уни фракцияларга саралаш	Бетон шағал ва турлича фракцияли қум	Бетон учун тўлдиргичлар
				Металл чиқиндилар	Утилизация
21.	Бузиб олиш болғалари ёрдамида ажратилувчи яхлит темир-бетон ораёпмалар	Бетон кукуни, қайишган ўзаклар	Сиртларни тозалаш, шикастларни суваш, ўрнатма қисмларни тиклаш, йиғиш мосламаларини ўрнатиш	Бетон шағал ва турлича таркибли қум	Бетон учун тўлдиргичлар шағал тайёрлагичлар
			Майдалаш, ўзакни ва ўрнатма қисмларни чиқариб олиш, бетонни	Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш

			ювиш ва уни фракцияларга саралаш		
22.	Элементларни эркин олиб ташлаш билан қисмларга ажратиладиган металл балкалар ва прогонлар	Прокат пўлат элементлари (қўштаврли, таврли швеллер, бурчаклилар), прокат ва лист пўлатдан пайвандланган ва парчинланган конструкциялар	Қайишган қисмларни тузатиш, эски бўёқ ва зангдан тозалаш, майда нуқсонларни тузатиш, тур ўлчамлар бўйича кесиш, текислаш, коррозияга қарши таркиб билан қоплаш	Прокат шакллардан ходалар, таркибий кесимли ходалар, прокатдан узун буюмлар Металл чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра бино ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришда ораёпмалар, зиналар, деворларни, устунларни кучайтириш қисмлари ясаш учун Утилизация қилиш
23.	Болғалар ёки қулатиш усули билан бўлакланувчи қаватлараро ораёпмаларнинг ғиштдан тайёрланган пештоқлар	Ғишт синиқлари	Механик куч билан майдалаш, ювиш ва фракцияларга ажратиш Зарраларининг максимал йириклиги 0,15 mm гача синиқларни толқонлаш	Шағал ва турлича фракцияли қум Цемент зарралари	Бетон учун тўлдиргичлар, асфальт ва бетон қопламалар учун тўшама Цементга гидравлик фаол қўшимча: манзарали қоплама
24.	Болғалар ёки қулатиш усули билан бўлакланувчи қаватлараро ораёпмаларнинг бетондан тайёрланган пештоқлар	Бетон зарраси	Механик куч билан майдалаш, ювиш, фракцияларга ажратиш	Бетон шағал ва турлича фракцияли қум	Бетон учун тўлдиргичлар
IV. Поллар					
25.	Донали тахтачалардан паркет тўшамалар	Бутун ва михли ёрилган тахтачалар, елим, қоришма, мум (лок) қолдиқли	Михларни суғуриб олиш, тозалаш, турўлчамлари ва ранги бўйича саралаш	Донадор паркет	Бевосита қўлланилишига кўра бино ва иншоотларнинг тўшамаларини таъмирлаш учун Шчит паркетни тайёрлаш ва таъмирлаш учун
26.	Панжара тахтали шчит паркет тўшамалар	Бутун ва ёрилган тахталар, михли,	Михларни чиқариб олиш, тозалаш, етишмайдиган	Шчит паркет, тахталар	Бевосита қўлланилишига кўра бино ва иншоотлар

		етишмайдиган катакли ва айрим синиқ тўсинли, елим, қоришма, мум юзага (лок) эга бўлган асослар	катакларни ўрнатиш, асоснинг синган тўсинларини маҳкамлаш ёки алмаштириш Михларни суғуриб олиш, тозалаш, механик ускуналарда майдалаш	Технологик пайраҳалар, қириндилар, қипиқлар	Арболит, фибролит, қипиқ бетон, ёғоч-пайраҳа тахталар тайёрлаш
27.	Тахта тўшамалар	Бўялган яхлит ва ёрилган михли тўшама тахталар	Михларни суғуриб олиш нуқсонли майдонларни олиб ташлаш, тозалаш, ўлчамлар бўйича саралаш, зарарсизлантириш	Тахталар	Бевосита қўлланилишига кўра, тўшамалар ораёпмаларини ҳамда бино ва иншоотлар томларини таъмирлашда, узун ва майда донадор элементларни, синч ва шчит конструкцияларни, қўшма элементларни тайёрлаш
			Михларни, маҳкамлаш қисмларини суғуриб олиш, нуқсонли майдонларни олиб ташлаш, тозалаш, механик ускуналарда майдалаш	Технологик пайраҳа, қириндилар	Арболит, қипиқ бетон, ёғоч қиринди тахталарни тайёрлаш Мебеллар, қолиплар, шунингдек ёрдамчи омборхона ва бошқа бир қаватли вақтинчалик бино ва иншоотлар
28.	Тахта ёки тўсиндан тўшама лагалари	Бутун ва ёрилган тахталар ҳамда михли ва бошқа маҳкамлаш қисмли тўсин	Михларни суғуриб олиш нуқсонли майдонларни олиб ташлаш, тозалаш, ўлчамлар бўйича саралаш, зарарсизлантириш	Тахталар, тўсинлар	Бевосита қўлланилишига кўра, тўшамалар ораёпмаларини ҳамда бино ва иншоотлар томларини таъмирлашда, узун ва майда донадор элементларни, синч ва шчит конструкцияларни, қўшма элементларни тайёрлаш
			Михларни, маҳкамлаш қисмларини суғуриб олиш, нуқсонли майдонларни олиб ташлаш, тозалаш, механик ускуналарда майдалаш	Технологик пайраҳалар, қириндилар, қипиқлар	Арболит, қипиқ бетон, ёғоч қиринди тахталарни тайёрлаш Мебеллар, қолиплар, шунингдек ёрдамчи омборхона ва бошқа бир қаватли вақтинчалик бино ва иншоотлар
29.	Ёғоч плинтуслар	Бўялган бутун ва михли ёрилган плинтуслар	Михларни суғуриб олиш, нуқсонли майдонларни олиб ташлаш, тозалаш	Плинтус	Бевосита қўлланилишига кўра

			Ўлчамлар бўйича саралаш, зарарсизлантириш	Технологик пайраҳалар, қириндилар, қипиқлар	Арболит, фибролит, қипиқ бетон, ёғоч-пайраҳа тахталар тайёрлаш
30.	Метлах (сополак) плиткали тўшамалар	Қоришма қолдиқлари билан бутун плиталар, сопол синиқлари	Бутун плиталарни тозалаш	Металл плиткалари	Бевосита қўлланилишига кўра, тўшамаларни таъмирлаш учун, шунингдек ёрдамчи омборхона ва бошқа бино ва иншоотларда тўшамаларни таъмирлаш учун
31.	Ишлатиш муддатларига боғлиқ равишда ўрама материаллардан (линолеум) тўшамалар қопламаси	Елим, бўёқ қолдиқли ўрама материалларнинг бўлаклари ва кесмалари Чиқинди	Қайишган ва эскирган қисмларини олиб ташлаш, тозалаш, турўлчамлар бўйича бичиш Оид эмас	Тўшаманинг ўрама қопламаси бўлаклари	Тўшамалар қопламаси Утилизация қилиш
32.	Поливинилхлорид тахтачалардан тўшама қопламалари	Бутун тахтачалар ва елим, бўёқ, чанг қолдиқли тахтача бўлаклари	Бутун тахтачаларни тозалаш	Поливинилхлорид тахтачалари	Тўшамалар қопламаси
V. Деворлар					
33.	Қўлда ёки бузиб олиш болғалари ёрдамида қатламлаб бузиладиган ғишт деворлар, цемент-оҳак қоришмали устун ва ровоқлар	Қоришма қолдиқли ғишт ва унинг бўлаклари, девор бўлаклари ва ғишт синиқлари	Ғишт ва унинг синиқларини қоришмадан механик тозалаш	Ғишт ва унинг бўлаклари	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларни таъмирлашда, қайта қуришда, ташқи тўсиқларни таъмирлаш, қайта қуриш ва девор тиклашда
			Механик майдалаш, ювиш ва ғишт синиқларини фракциялар бўйича саралаш	Шағал ва турлича фракцияли қум	Бетон учун тўлдиргичлар, асфальт ва бетон қопламалар ости учун тайёргарлик
			Зарраларнинг максимал йириклиги 0,15 mm гача синиқларни толқонлаш	Цемент зарралари	Цементга гидравлик фаол қўшимча, манзарали қоплама
34.	Қўлда ёки бузиб олиш болғалари ёрдамида		Бутун тошларни механик тозалаш	Майда бўлаклар	Бевосита қўлланилишига кўра

	қатламлаб бузиладиган майда бўлакли тошлардан деворлар, цемент-оҳак қоришмали устун ва ровоқлар	Қоришма қолдиқларига эга бўлган бутун ва синиқ тош	Механик толқонлаш, ювиш ва фракциялар бўйича саралаш	Турлича фракцияли шағал ва қум	Бетонлар учун тўлдиргичлар, асфальт ва бетон қопламалар учун тўшама
35.	Айрим элементларни эркин чиқариш орқали бўлакланувчи, деворлари бетон ва темир-бетондан бўлган блоклар ва панеллар	Йиғув ҳалқаларсиз ўрнатма қисмлари тузилган, дарзли ва қисқичли, темир-бетон бўлма ва панеллар, бетон синиқлари	Сирларни тозалаш шикастларни тузатиш йиғув мосламаларини ва ўрнатма қисмларни тиклаш	Деворларнинг йиғма темир-бетон бўлмалари ва панеллари Йиғма темир-бетон элементлар Бетон шағал ва турлича фракцияли қум Металл чиқиндилар	Ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли вақтинчалик иншоотларни қуриш Йўл қопламаларини қуриш Бетон учун тўлдиргичлар Асфальт ва бетон қопламага тайёрлаш Утилизация қилиш
36.	Ғишт, тош ва бетон юзаларнинг қопламалари	Қоришма қолдиқларига эга бўлган сунъий (бетон, сопол) ва табиий материаллардан (гранит, мармар, сопол) плиталар	Тозалаш, айрим майдонларни таъмирлаш ва тузатиш, сайқаллаш, силлиқлаш, турўлчамлар бўйича бичиш	Қоплама плиталар	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларни қайта қуришда деворларни қоплаш, тўшамалар ва зиналарни таъмирлаш учун
			Механик майдалаш, ювиш ва фракциялар бўйича саралаш	Шағал ва турлича фракцияли тошчалар	Бетон сиртларнинг манзарали қопламаси, бетон учун тўлдиргичлар
37.	Элементлари эркин чиқариб олинадиган бўлакланувчи ёғоч деворлар	Михли ва бошқа маҳкамлаш қисмли, қоришма қолдиқли, эски бўёқ ва чангли девор тўсинлари	Михлар ва бошқа маҳкамлаш қисмларни чиқариб олиш, нуқсонли майдонларни олиб ташлаш, ўлчамлар бўйича саралаш, тозалаш ва зарарсизлантириш	Тўсин	Бевосита қўлланилишига кўра
38.	Ёғоч деворларнинг ғишт билан қопланиши	Қоришма қолдиқлари билан ғишт ва унинг синиқлари, девор бўлаклари ва синган ғишт	Тозалаш, турўлчамлар бўйича бичиш Бутун тахтачаларни тозалаш	Ғишт ва унинг синиқлари Шағал ва турлича фракцияли қум	Тўшамалар қопламаси Утилизация қилиш
			Бетон бўлаклари	Цемент зарралари	Бетонга майда тўлдирувчи сифатида фойдаланиш

					Манзарали блоклар сифатида қўллаш Ўзида қўшимча юк оғирлигини кўтармайдиган деворларни қуриш ва манзарали девор қопламаси сифатида қўллаш (Лофт усулидаги деворлар)
39.	Сувалмаган, тахта тикилмали ёғоч деворлар	Михли ва эски бўёқ қолдиқли бутун ва синган тахталар	Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини, суғуриб чиқариш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, ўлчамлари бўйича саралаш, зарарсизлантириш	Тахталар	Бевосита қўлланилишига кўра
			Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини суғуриб чиқариб олиш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, механик ускуналарда майдалаш	Технологик пайраҳа, қиринди, қипиқ	Арболит, фибролит, қипиқбетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш
40.	Сувалмаган, каркас тўсинли йиғма шчитли ёғоч деворлар	Синиқ тахта, қурилиш чиқиндисига аралашган, михли синч ёғочлар	Таёқлардан михларни суғуриб олиш, нуқсонли жойларини олиб ташлаш, ўлчамлаб бўйича саралаш зарарсизлантириш	Таёқлар	Бевосита қўлланилишига кўра
			Таёқлардан михларни суғуриб олиш, нуқсонли жойларини олиб ташлаш, тозалаш, механик дастгоҳларда майдалаш	Технологик пайраҳа, қиринди, қипиқ	Арболит, қипиқ бетон, ёғочқиринди тахталарни тайёрлаш
41.	Сувалган ва сувалмаган ғиштли деворлар	Сувалган ва сувалмаган ғишт бўлаклари	Ғишт бўлакларини сувоқ қолдиқлари ва бошқа қўшимчалардан тайёрлаш	Тозаланган ғишт ва ғишт бўлаклари	Манзарали блоклар сифатида қўллаш

			Бутун бўлган ва тўлиқ бурдаланмаган ғишт бўлакларини ажратиш Майда ғишт синиқларини ажратиш		Ўзида қўшимча юк оғирлигини кўтармайдиган деворларни қуриш ва манзарали девор қопламаси сифатида қўллаш (Лофт усулидаги деворлар)
VI. Пардеворлар					
42.	Тайёр икки ва уч қатламли шчитлардан ясалиб сувалган ёғочли пардеворлар	Михли ва қолдиқ сувоқли бутун ва синган тахта ва таёқлар, шчитлар	Михлар ва бошқа маҳкамлаш қисмларини чиқариб олиш, нуқсонли майдонларни олиб ташлаш, ўлчамлар бўйича саралаш, тозалаш ва зарарсизлантириш	Тахталар ва таёқлар, икки ва уч қатламли шчитлар	Бевосита қўлланилишига кўра
			Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини суғуриб чиқариб олиш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, механик ускуналарда майдалаш	Технологик пайраҳа, қириндилар	Арболит, фибролит, қипиқбетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш
43.	Тахталардан, тик боғланган, сувалган ва сувалмаган пардеворлар	Михли ва қолдиқ сувоқли, эски бўёқли бутун ва синган тахталар ва таёқлар	Михлар ва бошқа маҳкамлаш қисмларини чиқариб олиш, нуқсонли майдонларни олиб ташлаш, ўлчамлар бўйича саралаш, тозалаш ва зарарсизлантириш	Тахта ва таёқлар	Бевосита вазифасига кўра
			Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини суғуриб чиқариб олиш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, механик ускуналарда майдалаш	Технологик пайраҳа, қириндилар	Арболит, фибролит, қипиқбетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш

44.	Бузиб олиш болғалари ёрдамида бўлакланувчи цемент-оҳак қоришмали ғишт пардеворлар	Қоришма қолдиқлари билан ғишт ва ғишт бўлаклари, девор бўлаклари ва синган ғишт	Ғишт ва унинг синиқларини қоришмадан механик тозалаш	Ғишт ва ғишт синиқлари	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларни таъмирлашда, қайта қуришда, ташқи тўсиқларни таъмирлаш, қайта қуриш ва девор тиклашда
			Механик майдалаш, ювиш ва ғишт синиқларини фракциялар бўйича саралаш	Турлича фракцияли шағал ва қум	Бетон учун тўлдиргичлар, асфальт ва бетон қопламалар ости учун тайёргарлик Цементга гидравлик фаол қўшимча, манзарали қоплама Манзарали блоклар сифатида қўллаш
			Зарраларнинг максимал йириклиги 0,15 mm гача синиқларни толқонлаш	Цемент зарралари	Ўзида қўшимча юк оғирлигини кўтармайдиган деворларни қуриш ва манзарали девор қопламаси сифатида қўллаш (Лофт усулидаги деворлар)
45.	Бузиб олиш болғалари ёрдамида бўлакланувчи бетон ва темир-бетон пардеворлар	Бетон зарраси, қайишган ўзак	Бетонни майдалаш, ўзак ва ўрнатма қисмларни чиқариб олиш, бетонни ювиш, фракциялар бўйича саралаш	Бетон шағал ва турлича фракцияли қум Металл чиқиндилар	Бетон учун тўлдиргичлар Утилизация қилиш
VII. Дераза ва эшиклар					
46.	Дераза тўлдиргичлар	Дераза бўлмалар, табақалар, пирамонлар, кесакилар, дераза ойнаси, шиша синиқлари, чега буюмлар ва дераза ости тахталари	Тўлдиргич элементларнинг таъмири, тозалаш, зарарсизлантириш, суваш, етишмайдиган ускуналарни ўрнатиш, кўз қўйиш	Дераза бўлаклари, тавақалар, пирамонлар, кесакилар, дераза ойнаси, чега буюмлар, дераза ости тахтаси	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришда, шунингдек вақтинчалик бино ва иншоотларни қуришда дераза тўлдиргичлари сифатида
			Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини суғуриб чиқариб олиш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш,	Технологик пайраҳа, қириндилар	Арболит, фибролит, қипиқбетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш
				Шиша синиқлари	Утилизация қилиш

			механик ускуналарда майдалаш		
47.	Эшик тўлдиргичлар	Эшик бўлмалари, блоклар, тавақа, скоба буюмлар, часпаклар	Айрим элементларни таъмирлаш ва алмаштириш, тозалаш, зарарсизлантириш, суваш	Эшик бўлмалари, тавақа, блоклар, скоба буюмлар, часпаклар	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларни таъмирлашда ва қайта қуришда шунингдек вақтинчалик бино ва иншоотларни қуришда эшик тўлдиргичлари сифатида
			Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини суғуриб чиқариб олиш нуқсонли майдонларни йўқотиш, тозалаш, механик ускуналарда майдалаш	Технологик пайраҳа, қириндилар	Арболит, фибролит, қипиқбетон, ёғоч-пайраҳа тахталарни тайёрлаш
VIII. Зиналар					
48.	Элементларини эркин чиқариб олиш билан бўлакланадиган металл косоурли зина	Оҳак, бўёқ ва чанг қолдиқлари, синган тош ёки бетон қолдиқлари, металл тўсиқ элементлари, маҳкамлагичли тутқичлар, тош ёки темир-бетон зинапоялар	Қайишган қисмларни тузатиш, эски бўёқ ва зангдан тозалаш, майда нуқсонларни тузатиш, тур ўлчамлар бўйича кесиш, текислаш, коррозияга қарши таркиб билан қоплаш	Металл тўсинлар	Бевосита қўлланилишига кўра бино ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришда ораёпмалар, зиналар, деворларни, устунларни кучайтириш қисмлари ясаш учун
			Тозалаш, турўлчамлар бўйича бичиш	Металл тўсиқлар қисмлари	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришда зиналар қуриш учун
			Зинапояларни тозалаш, шикастларни тузатиш	Зинапоялар	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришда зиналар қуриш учун
			Синиқларни механик майдалаш, ювиш ва фракциялар бўйича саралаш	Турлича фракцияли шағал ва	Бетон сиртларнинг манзарали қопламаси,бетон учун тўлдиргичлар

			Тозалаш, тутқичларнинг нуқсонли майдонларини таъмирлаш	Тутқичлар	Бевосита қўлланилишига кўра
				Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш
49.	Элементларни эркин олиб ташлаш орқали бўлакланувчи темир-бетон косоурли зина	Оҳак, бўёқ ва чанг қолдиқлари, синган тош ёки бетон қолдиқлари, металл тўсиқ элементлари, маҳкамлагичли тутқичлар, тош ёки темир-бетон зинапоялар	Сиртларни тозалаш, шикастларни тузатиш, ўрнатма қисмларни тиклаш, йиғиш мосламаларини ўрнатиш ва шунга ўхшаш	Темир-бетон стропиллар	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришда зиналар ясаш учун
			Тозалаш, турўлчамлар бўйича бичиш	Металл тўсиқларнинг қисмлари	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришда зиналар ясаш учун
			Зинапояларни тозалаш, шикастларни тузатиш	Зинапоялар	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришда зиналар ясаш учун
			Синиқларни механик майдалаш, ювиш ва фракциялар бўйича саралаш	Турлича фракцияли шағал ва кукун	Бетон сиртларнинг манзарали қопламаси,бетон учун тўлдиргичлар
				Тутқичлар	Бевосита қўлланилишига кўра
			Тозалаш, тутқичларнинг нуқсонли майдонларини таъмирлаш	Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш
50.	Тош ёки темир-бетон зинапоялар	Қоришма, бўёқ ва чанг қолдиқли зинапоялар, тош ёки бетон синиқлари	Тозалаш, нуқсонларни ва шикастларни тузатиш	Зинапоялар	Бевосита қўлланилишига кўра бино ва иншоотларни таъмирлашда ва қайта қуришда зиналар ўрнатиш учун
			Синиқларни механик майдалаш, ювиш ва фракциялар бўйича саралаш	Турлича фракцияли шағал ва кукун	Бетон сиртларнинг манзарали қопламаси,бетон учун тўлдиргичлар

IX. Пойдеворлар					
51.	Бузиб олиш болғалари ёрдамида бўлакланувчи харсанг тош пойдеворлар	Қоришма қолдиқлари билан харсанг тош, шағал, қоришма бўлаклари	Тошларни қоришма қолдиқларидан тозалаш	Харсанг тош	Бевосита қўлланилишига кўра, бир қаватли бино ва иншоотлар пойдеворларини таъмирлашда шунингдек вақтинчалик бир қаватли бино ва иншоотларнинг пойдеворларини қуришда
52.	Бузиб олиш болғалари ёрдамида бўлакланувчи бетонли пойдеворлар	Бетон ва харсанг синиқлари	Қоришма қолдиқларидан тозалаш, механик майдалаш, ювиш, фракциялар бўйича саралаш	Турлича фракцияли шағал ва қум	Бетон учун тўлдиргичлар, асфальт ва бетон қопламалар
53.	Бузиб олиш болғалари ёрдамида бўлакланувчи темир-бетонли пойдеворлар	Бетон синиқлари, қайишган ўзак	Бетонни майдалаш, ўзак ва ўрнатма қисмларни чиқариб олиш, бетонни ювиш ва фракциялар бўйича саралаш	Бетонли шағал ва турлича фракцияли қум Металл чиқиндилар	Бетон учун тўлдиргичлар Утилизация қилиш
54.	Бузиб олиш болғалари ёрдамида бўлакланувчи ғишт шағалли бетондан пойдеворлар	Бетон синиқлари	Тузатиш: майда нуқсонларни текислаш, зангни йўқотиш, турўлчамлар бўйича бичиш, лозим бўлганда суваш	Бетонли шағал ва турлича фракцияли қум	Бетон учун тўлдиргичлар Манзарали блоклар сифатида қўллаш Ўзида қўшимча юк оғирлигини кўтармайдиган деворларни қуриш ва манзарали девор қопламаси сифатида қўллаш (Лофт усулидаги деворлар)
55.	Бузиб олиш болғалари ёрдамида бўлакланувчи бетонли пойдеворлар	Бетон синиқлари	Тузатиш: майда нуқсонларни текислаш, зангни йўқотиш, турўлчамлар бўйича бичиш, лозим бўлганда суваш	Турлича фракцияли шағал ва қум	Бетон учун тўлдиргичлар
56.	Бузиб олиш болғалари ёрдамида бўлакланувчи ғиштдан пойдеворлар	Ғишт синиқлари қоришма қолдиқлари билан	Тозалаш, механик майдалаш, ювиш ва фракциялар бўйича саралаш	Турлича фракцияли шағал ва қум	Бетон учун тўлдиргичлар, асфальт ва бетон қопламалар учун тўшама Цементга гидравлик фаол қўшимча: манзарали қоплама Манзарали блоклар сифатида қўллаш

			Синиқларни зарралар максимал йириклиги 0,15 mm гача янчиш	Цемент зарралари	Ўзида қўшимча юк оғирлигини кўтармайдиган деворларни қуриш ва манзарали девор қопламаси сифатида қўллаш (Лофт усулидаги деворлар)
57.	Бузиб олиш болғалари ёрдамида бўлакланувчи йиғма темир-бетонли пойдеворлар	Қоришма қолдиқлари билан бутун ва синиқ бетон бўлмалар	Қоришмадан тозалаш, нуқсонларни тузатиш	Бетон пойдевор бўлмалар	Бевосита қўлланилишига кўра
				Турлича фракцияли шағал ва қум	Бетон учун тўлдиргичлар
X. Иситиш тизимлари					
58.	Иситгич ғишт печкалар, ўчоқ печка ва ошхона ўчоқлари	Қоришма қолдиқлари билан ғишт ва синиқ ғиштлар, девор бўлаклари ва ғишт синиқлари	Ғишт ва ғишт синиқларини қоришмалардан механик тозалаш	Ғишт ва ғишт синиқлари	Бевосита қўлланилишига кўра бино ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта куришда фойдаланиш
			Механик майдалаш, ювиш ва ғишт синиқларини фракциялар бўйича саралаш	Шағал ва турлича фракцияли қум	Бетон учун тўлдиргичлар, асфальт ва бетон қопламалар ости учун тайёргарлик
			Зарраларнинг максимал йириклиги 0,15 mm гача синиқларни толқонлаш	Цемент зарралари	Цементга гидравлик фаол қўшимча, манзарали қоплама Манзарали блоклар сифатида қўллаш Ўзида қўшимча юк оғирлигини кўтармайдиган деворларни қуриш ва манзарали девор қопламаси сифатида қўллаш (Лофт усулидаги деворлар)
59.	Иситгич печкалари, тошлар ва ошхона ўчоқларини қоплаш	Тўлиқ ва бўлинадиган плиткалар, текис ва шаклли оҳак қолдиқлари билан қопланган плиткалар	Эритмани тозалаш	Тўғри ва шаклли плиткалар, печкалар, тошлар ва ошхона ўчоқлари учун плиткалар	Тўғридан-тўғри тайинлаш орқали
60.	Иситгич печкаларнинг металл қолдиқлари	Металл чиқинди	Яроқли қувурларни ажратиб олиш, уларни ифлослигидан тозалаш ва текширув	Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш

61.	Диаметри 40 мм гача бўлган рухланмаган пўлат сув ва газ қувурларидан уй ичи марказий иситиш тармоғининг қувурлари	Қувур ўтказгич бўлмалари	Яроқли қувурларни ажратиб олиш, уларни ифлослигидан тозалаш ва текширув	Сув-газ ўтказгич қувурлар	Кичик архитектуравий шаклларни тайёрлашга
				Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш
62.	Диаметри 50 мм ва ундан юқори кенгликдаги иссиқ, совуқ ва совуқ тортилган пўлат чоксиз қувурлардан уй ичи марказий иситиш тармоғининг қувурлари	Қувур ўтказгичлар бўлмалари	Яроқли қувурларни ажратиб олиш, уларни ифлослигидан ва қурумдан тозалаш, текшириш	Чоксиз қувурлар	Бевосита қўлланилишига кўра
				Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш
63.	Чўян радиаторлар	Чўян радиатор бўлмаси	Текшириш ва қурум ва ифлосликдан тозалаш, зичлагич ҳалқаларни алмаштириш	Чўян радиатор бўлмаси	Бевосита қўлланилишига кўра, бино ва иншоотларни таъмирлашда ва қайта қуришда
				Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш
64.	Бир юришли ва кўп юришли пўлат конверторлар	Конвектор бўлмаси	Текшириш ва тозалаш, шаклдор қисмларни алмаштириш	Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш
65.	Параллел ёки кетма-кет уланувчи чўян қиррадор қувурлар	Чўян қиррадор қувурлар	Текшириш ва тозалаш, шаклдор қисмларни алмаштириш	Чўян қиррадор қувур	Бевосита қўлланилишига кўра
				Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш
66.	Тиқинли ўтма, ёғдонли, қўш ростловчи, чиқариб юборувчи жўмраклар	Тиқинли ўтма, ёғдонли, қўш ростловчи, чиқариб юборувчи жўмраклар	Текшириш ва қурумдан тозалаш, текшириш ва золотникнинг зичлагич қистирмани ҳамда жўмрак қопламаси ва киритгич каллак орасидаги қистирмани алмаштирган ҳолда қурумдан тозалаш	Жўмраклар	Бевосита қўлланилишига кўра
				Захира қисмлар	Таъмирлаш ишларида
				Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш
67.	Ёпқич жўмраклар	Ёпқич жўмраклар	Текшириш ва қурумдан тозалаш, золотникнинг	Ёпқич жўмраклар	Бевосита қўлланилишига кўра
				Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш

			зичлагич қистирмасини ҳамда жўмрак қобиғи ва каллак орасидаги қистирмани алмаштириш		
68.	Клапанлар	Клапанлар	Текшириш ва қурумдан тозалаш, пломба материалларини алмаштириш, синовдан ўтказиш	Клапанлар Металл чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
69.	Параллел ва понасимон чўян сурма клапанлар	Чўян сурма клапанлар	Текшириш ва қурумдан тозалаш, латун зичлагич ҳалқалар ва қистирмаларни алмаштириш	Чўян сурма клапанлар Металл чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
70.	Параллел ва понасимон пўлат сурма клапанлар	Пўлат сурма клапанлар	Текшириш ва тушириш, ҳалқаларни ва қистирмаларни алмаштириш, синовдан ўтказиш	Пўлат сурма клапанлар Металл чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
71.	Цилиндрик кенгайтиргич баклар	Кенгайтиргич бак	Текшириш ва коррозия қурум маҳсулотларидан тозалаш, қуйгич ва назорат найларининг зичлагич уламаларини алмаштириш	Цилиндрик кенгайтиргич бак Металл чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
72.	Оқма ва автоматик ҳаво йиғгичлар	Ҳаво йиғгич	Текширгич ва ёпқич қопқоқни ва зичлагич қистирмаларни алмаштириш билан қурумдан тозалаш	Ҳаво йиғгич Металл чиқинди	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
73.	Балчиқ йиғгичлар	Балчиқ йиғгичлар	Текшириш ва балчиқдан тозалаш	Балчиқ йиғгичлар Металл чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
74.	Қувурли ва пластинкали иссиқлик алмашинувчилар	Қувурли ва пластинкали иссиқлик алмашинувчилар	Текшириш ва коррозия қурум маҳсулотларидан тозалаш, қуйгич ва назорат	Иссиқлик алмашинувчилар Металл чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш

			найчаларини алмаштириш, синовдан ўтказиш		
75.	Мис қуймаларидан тайёрланган иситиш тизимларини ёпиқ тарқатиш учун қувурлар	Қувурлар бўлинмалари	Деформацияланган жойларни текшириш, майда нуқсонларни тузатиш, тозалаш, астарлаш	Мис қувурлар Металл чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
76.	Полимер ёки металполимер қувурлардан тайёрланган иситиш тизимларнинг уй ичидаги симлари учун қувурлар	Қувурлар бўлинмалари	Деформацияланган жойларни текшириш, майда нуқсонларни тузатиш, тозалаш, астарлаш	Полимер ёки металлполимер қувурлар Полимер ёки металлполимер қувурлар чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
XI. Совуқ, иссиқ сув таъминоти ва ички канализация тизимлари					
77.	Резбали ва пайванд уланмали пўлат сув-газ ўтказгич қувурлардан уч ичи тарқатма қувур ўтказгичлар	Маҳаллий коррозион шикастли қувурўтказгич бўлмалари	Танлаш, балчиқ ва коррозия маҳсулотларидан тозалаш	Сув-газ ўтказгич қувурлар Металл чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
78.	Чўян канализация қувурлари ва шаклдор қисмлар	Маҳаллий шикастларга эга бўлган чўян канализация қувурлари ва шаклдор қисмлар	Танлаш, балчиқ ва чўкмалардан тозалаш, қатрон лок билан қоплаш	Чўян канализация қувурлар ва шаклдор қисмлар Металл чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
79.	Латун сув тарқатгич, ювиниш жўмраклари ва аралаштиргичлар	Латун сув тарқатгич ювиниш жўмраклари ва аралаштиргичлар, жумладан эгар ва шпинделларнинг маҳаллий шикастлари ҳам	Танлаш, балчиқ ва чўкмалардан тозалаш, эгар ва жўмрак каллакларини таъмирлаш	Латун сув тарқатгич, ювиниш жўмраклари ва аралаштиргичлар Металл чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
80.	Ювгич бакларга қопқоқлар		Буюмларни танлаш, балчиқ ва чўкмалардан тозалаш,	Ювгич бакларга қалқовуч қопқоқлар	Бевосита қўлланилишига кўра

		Ювгич бакларга қопқоқлар, жумладан маҳаллий шикастли	босим остида ёпишнинг герметиклигини синаш	Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш
81.	Латун ва чўяндан ёпқич ўтма жўмраклар, гардишли чўян сурма клапанлар	Латун ва чўяндан ёпқич ўтма жўмраклар, жумладан қобиқ ва жўмрак каллакнинг маҳаллий шикастлари билан гардиш чўян сургич	Танлаш, балчиқдан, чўкмалардан тозалаш, нуқсонларни кузатиш	Латун ва чўяндан ўтма ёпқич жўмраклар, гардишли чўян сурма клапанлар Металл чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
82.	Ўт ўчиргич жўмраклар	Ўт ўчиргич жўмраклар, жумладан маҳаллий шикастлари билан	Буюмларни танлаш, нуқсонларни йўқотиш ва синашлар	Ўт ўчиргич жўмраклар Металл чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
83.	Санитар-техник ускуналар	Металлдан ва сополдан санитар-техник ускуналар, бутунлари ва синиқлари, сопол синиқлари	Яроқли жиҳозларни ажратиб олиш, синиқ сополларни майдалаш, ювиш ва фракциялар бўйича саралаш	Фаянс тоши Металл чиқиндилар	Утилизация қилиш Утилизация қилиш
84.	Совуқ ва иссиқ сув таъминоти тизимлари, ички канализация тизимлари учун полимер қувурлар	Механик шикастланган қувурлар	Намуна олиш, балчиқлардан ва чўкмалардан тозалаш ва синовдан ўтказиш	Полимер қувурлар Полимер қувурларидаги чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
XII. Шамоллатиш ва ҳавони тозалаш тизимлари					
85.	Алюмин қотишмаларидан тайёрланган, қора ва галванизланган пўлатли ҳаво каналлар	Шамоллатиш тизимининг қисмлари (текис ва шаклли қисмлар)	Шамоллатиш тизимининг мос қисмларини танлаш, уларни ифлосланишдан ва коррозиядан тозалаш	Шамоллатиш тизимининг алоҳида қисмлари (текис ва шаклли қисмлар) Металл чиқиндилар	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
XIII. Ички газ таъминоти тизимлари					
86.	Электр пайвандлаш ва резбали маҳкамлаш асосида пўлатдан	Қувурлар бўлинмалари	Танлаш, ифлосланиш ва коррозия	Газ сув ўтказгичлар Металл чиқиндилари	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш

	ясалган сув ва газ қувурлари		маҳсулотларидан тозалаш, синовдан ўтказиш		
87.	Латун пробкалар ва шарли клапанлар	Клапанлар, шу жумладан маҳаллий шикастланган	Маҳсулотларни танлаш, уларни камчиликларини бартараф этиш	Латун пробкаларни ва шарикли клапанларни маҳкамлаш Газ плиталар Газли сув иситгичлар Металл чиқиндилари	Бевосита қўлланилишига кўра Утилизация қилиш
XIV Полимер буюмлар					
88.	Полимерли материаллар: қувурлар, деразалар, эшиклар, санитар-техник ускуналар	Иқтисодиётнинг турли соҳаларида қўлланиладиган полимер материаллардан тайёрланган буюмларни яроқсиз ҳолга келиши (пластик қувурлар, деразалар, эшиклар, мебеллар, қадоқлаш идишлари, машина қисмлари, пластик плёнка чиқиндилар) Аралаш чиқиндилар	Пиролиз билан термал парчалаш; Бошланғич паст молекуляр маҳсулотларни (мономерлар, олигомерлар) олиш учун парчалаш; Қайта ишлаш	Канализация, дренаж, сув ва газ таъминоти учун полимер қувурлар, электр изоляция материаллари, кундалик ва уй-рўзғор буюмлари, техник жиҳозлар, транспорт	Бевосита қўлланилишига кўра: Полимер бетонни олиш; заралаштириш (иккиламчи полимерни бошқа пластмассалар билан бирлаш-тириш (масалан, поликарбонат билан,) ва техник қисмларни ишлаб чиқариш учун толалар билан тўлдириш); рангли пластик буюмлар ишлаб чиқариш учун бўёқларни олиш; кенг тўқимачилик толаларини ишлаб чиқиш; герметик ва шпател толалари (тўлдирувчи полиестер; том ёпиш материаллари; плёнкалар ва чойшаблар); қурилиш мақсадлари учун кастинг буюмлар; автомобиль саноати; ёритиш ва маиший техника учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш.